

---

## Ўзбекистон туманида "Ёшлар дафтари"даги йигит-қизларнинг яна 66 нафарига меҳнат ашёлари тарқатилди

Ўзбекистон туманидаги 3-сектор ҳудудида истиқомат қилувчи "Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшлар иштирокида тадбир ташкилланди.

Тадбирда ёшларни бандлигини таъминлаш, қўшимча даромад манбаини яратишларига кўмаклашиш мақсадида уларнинг 66 нафарига зарурий меҳнат ашёлари тарқатилди.



"Ёшлар дафтари"даги йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни ўзини ўзи банд қилишга қаратилган тадбирлар туманда давом этади.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-08-17 19:58:32